

Абу Хубайб Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Жамал куни Зубайр тўхтаб, мени чақирди. Ёнига бориб турдим. У: «Эй ўғилчам, бугун фақат золим ёки мазлумгина ўлдирилади. Менимча, бугун мазлум ҳолимда ўлдириламан. Менинг энг катта ташвишим - қарзим. Нима дейсан, қарзимиз мол-мулкимиздан бирор нарсани қолдирармикан? Эй ўғилчам, мол-мулкимизни сотиб, қарзимни уз», деди ва учдан бирини васият қилди, (ўшанинг) учдан бирини эса болаларига, яъни Абдуллоҳ ибн Зубайр(нинг болалари)га. Агар қарз узилганидан кейин мол-мулкимиздан бирор нарса ортиб қолса, шунинг учдан бири болаларингга», (деб васият қилди)».

Абдуллоҳ деди: «Хуллас, менга қарзини васият қила бошлади ва: «Бу ишда бирон нарсада ожиз қолсанг, Мавлойимдан ёрдам сўра», деди. Аллоҳга қасамки, нимани кўзда тутганини тушунмадим. «Отажон, Мавлойингиз ким?» дедим. «Аллоҳ», деди. Аллоҳга қасамки, унинг қарзи борасида бирор ташвишга тушиб қолсам, «Эй Зубайрнинг Мавлоси! Унинг қарзини узиб

Абу Хубайб Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Жамал куни Зубайр тўхтаб, мени чақирди. Ёнига бориб турдим. У: «Эй ўғилчам, бугун фақат золим ёки мазлумгина ўлдирилади. Менимча, бугун мазлум ҳолимда ўлдириламан. Менинг энг катта ташвишим - қарзим. Нима дейсан, қарзимиз мол-мулкимиздан бирор нарсани қолдирармикан? Эй ўғилчам, мол-мулкимизни сотиб, қарзимни уз», деди ва учдан бирини васият қилди, (ўшанинг) учдан бирини эса болаларига, яъни Абдуллоҳ ибн Зубайр(нинг болалари)га. Агар қарз узилганидан кейин мол-мулкимиздан бирор нарса ортиб қолса, шунинг учдан бири болаларингга», (деб васият қилди)».

1. 209. Абу Хубайб Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Жамал куни Зубайр тўхтаб, мени чақирди. Ёнига бориб турдим. У: «Эй ўғилчам, бугун фақат золим ёки мазлумгина ўлдирилади. Менимча, бугун мазлум ҳолимда ўлдириламан. Менинг энг катта ташвишим - қарзим. Нима дейсан, қарзимиз мол-мулкимиздан бирор нарсани қолдирармикан? Эй ўғилчам, мол-мулкимизни сотиб, қарзимни уз», деди ва учдан бирини васият қилди, (ўшанинг) учдан бирини эса болаларига, яъни Абдуллоҳ ибн Зубайр(нинг болалари)га. Агар қарз узилганидан кейин мол-мулкимиздан бирор нарса ортиб қолса, шунинг учдан бири болаларингга», (деб васият қилди)».

Абдуллоҳ деди: «Хуллас, менга қарзини васият қила бошлади ва: «Бу ишда бирон нарсада ожиз қолсанг, Мавлойимдан ёрдам сўра», деди. Аллоҳга қасамки, нимани кўзда тутганини тушунмадим. «Отажон, Мавлойингиз ким?» дедим. «Аллоҳ», деди. Аллоҳга қасамки, унинг қарзи борасида бирор ташвишга тушиб қолсам, «Эй Зубайрнинг Мавлоси! Унинг қарзини узиб

бер», дер эдим, У Зот узиб берар эди. Сўнг Зубайр розияллоҳу анҳу ўлдирилди. Ундан бир қанча ердан ташқари динор ҳам, дирҳам ҳам қолмади. Ғобада,* Мадинада ўн битта ҳовли, Басрада иккита ҳовли, Кўфада битта ҳовли, Мисрда битта ҳовли шулар жумласидан эди. Зиммасидаги қарзга келсак, бир киши унга мол олиб келиб, омонатга қўймоқчи бўлганида Зубайр: «Йўқ, бу қарз (бўлади). Чунки мен унинг зое бўлишидан қўрқаман», деган экан. У на бирор амирликка, на хирож йиғиш ва на бошқа бирор ишга ўтирди, фақат Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ёки Абу Бакр, Умар ва Усмон розияллоҳу анҳум билан бирга ғазотда бўлди. Мен унинг зиммасидаги қарзни ҳисоблаб кўрсам, икки миллион икки юз минг экан».

Ҳаким ибн Ҳизом Абдуллоҳ ибн Зубайрни учратиб қолиб: «Эй биродаримнинг ўғли, биродаримнинг зиммасида қанча қарзи бор?» деганида, у буни яшириб, «Юз минг», дебди. Ҳаким: «Аллоҳга қасамки, мол-мулкингиз бунга етса керак, деб ўйламайман», дебди. Шунда Абдуллоҳ унга: «Агар икки миллион икки юз минг бўлса, нима дейсиз?» дебди. У: «Бунга кучингиз етади, деб ўйламайман. Бу ишда бирор нарсадан ожиз қолсангиз, мендан ёрдам сўранг», дебди. Зубайр Ғобани бир юз етмиш мингга сотиб олган экан. Абдуллоҳ уни бир миллион олти юз мингга сотибди. Кейин туриб: «Зубайрда кимнинг ҳаққи бўлса, бизга, Ғобага келсин», дебди. Шунда Абдуллоҳ ибн Жаъфар унинг олдига келибди. Зубайрда унинг тўрт юз минг ҳаққи бор экан. У Абдуллоҳга: «Хоҳласангиз, буни ўзингизга қолдираман», дебди. Абдуллоҳ: «Йўқ», дебди. У: «Агар кечиктирмоқчи бўлсангиз, хоҳласангиз, уни кечиктирмоқчи бўлганингизга қўшиб юборинг», дебди. Абдуллоҳ: «Йўқ», дебди. У: «Унда менга бир бўлак (ер) ажратинг», дебди. Абдуллоҳ: «Манави ердан анави ергача сенга», дебди. Хуллас, у (Абдуллоҳ ибн Жаъфар) ўшаларни сотиб, (Зубайрнинг) қарзини тўлиқ қоплабди. Шундан кейин ундан (Ғобадан) тўрт ярим ҳисса қолибди. У (Абдуллоҳ) Муовиянинг олдига келибди. Унинг олдида Амр ибн Усмон, Мунзир ибн Зубайр ва Ибн Замъа бор экан. Муовия унга: «Ғоба қанчага баҳоланди?» дебди. У: «Ҳар бир ҳисса юз мингдан», дебди. «Қанча қолди?» дебди. У: «Тўрт ярим ҳисса», дебди. Мунзир ибн Зубайр: «Юз мингга бир ҳисса олдим», дебди. Амр ибн Усмон ҳам: «Юз мингга бир ҳисса олдим», дебди. Ибн Замъа ҳам: «Юз мингга бир ҳисса олдим», дебди. Муовия: «Қанча қолди?» дебди. У: «Бир ярим ҳисса», дебди. «Бир юз эллик мингга ўшани олдим», дебди. Абдуллоҳ ибн Жаъфар ҳам ўз улушини Муовияга олти юз мингга сотибди.

Ибн Зубайр қарзни узиб бўлгач, Зубайрнинг болалари: «Бизга меросимизни бўлиб бер», дейишибди. У: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, тўрт йил ҳаж мавсумида: «Ҳой! Зубайрнинг зиммасида кимнинг қарзи бўлса, бизга келсин, уни узамиз», деб жар солмагунча, уни сизларга бўлиб бермайман», дебди. Ҳар йили (ҳаж) мавсумида жар соладиган бўлибди. Тўрт йил ўтгачгина, уларга учдан бирини бўлиб берибди. Зубайрнинг тўртта аёли бор экан. Ҳар бир аёлга бир миллион икки юз мингдан тегибди». Демак, унинг умумий мол-мулки эллик миллион икки юз минг бўлган».

Имом Бухорий ривояти.

* Ғоба - луғатда асли дарахтзор, ўрмон деган маънони билдириб, бу ерда Мадинадан бир неча мил узоқликдаги, Шомга кетиш йўлидаги жой назарда тутилган.

Манба: hadis.islom.uz

